

ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАШИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШ ШАРТНОМАСИ № 0104/22

Хатирчи туман

" 26 " январ 2022 йил

"Мироншох комфорт сервис" МЧЖ (бундан буён "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар в.в.б. **Ж.Муминов** хамда иккинчи томондан Мактабгача таълим бўлими (бундан буён "Буюртмачи" деб юритилади) Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбар **А.Тошев** ушбу шартномани куйидагича туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича " Бажарувчи " " Буюртмачи" нинг буюртмасига асосан хизмат кўрсатади. "Буюртмачи" эса ушбу курсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" учун: (Бажариладиган ишнинг номи, маркаси, артикули)

| T\r | Хизмат кўрсатиш тури | Ўлчов бирлиги | Хажми | Нархи | 15% ҚҚС суммаси билан | Жами сўммаси 15%ҚҚС билан |
|-----|------------------------|---------------|-------|-------|-----------------------|---------------------------|
| 1 | Қаттиқ чиқинди чиқариш | Куб.М | 382 | 56600 | 65090 | 24 864 380 |
| | Жами: | | | | | 24 864 380 |

Сумма: Йигирма тўрт миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг уч юз саксон сўм

II.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

"Бажарувчи"нинг мажбуриятлари:

2.1. "Бажарувчи" ўзига топширилган хизматларни ўзининг транспорти ва ишчи кучи билан (ишчи кучи жалб этилганда нархга узгариш киритилади) ушбу шартнома шартлари асосида сифатли ва уз вактида бажариб "Буюртмачи" га топширади

2.2."Бажарувчи" топширилган ишларнинг бажарилганлиги хақида "Буюртмачи" га маълум қилиб кўрсатилган хизматларни ёзма равишда топширади.

2.3. "Бажарувчи" чиқиндиларни марказий чиқиндихонага олиб боради, турларга ажратади ва заарсизлантиради.

"Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.4. "Буюртмачи" чиқиндиларни жамлаш учун маҳсус жой тайёрлаши, чиқиндихонага бориш учун транспорт воситаларига тўсиқ бўлмайдиган шароит яратиши лозим.

2.5. Шартномада белгиланган нархда хизмат хақини ўз вақтида тўлайди.

III.ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси ҚҚС билан **Йигирма тўрт миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг уч юз саксон сўмни ташкил этиб, Ишнинг хар бирлиги учун сўмда хақ тўланади.**

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% пулни тўлаш, қолган 70% ни ишни бажарилиши кабул килингандан сунг 30 кун ичидаги тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Бажарувчи"нинг айби билан "Буюртмачи" бажарилган ишларни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаса, ишнинг ҳақини тўлашни кечиктиришга хақли.

IV.ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Иш бажарилгандан сўнг "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" топшириш-қабул қилиш юк хати тузиб имзолайди ва хисобхонага топширади.

4.2. Кўрсатилган хизматларга хақ тўлаш миқдори тасдиқланган коллкуляцияга асосан хисобланади, иш хакки ва бошка ресурслар, материаллар нархи ошганда калкуляцияга ўзгариш киритилади.

4.3 "Буюртмачи" бажарилган ишни қабул қилиб олишда бажарилган ишнинг миқдорининг камлиги, сифатсизлиги аникланган тақдирда маҳсулотларни кабул қилиб олмаслик хуқуқига эга.

V.ШАРТНОМА БАЖАРИШ МУДДАТИ.

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати " 31 " декабр 2022 йилгача этиб белгиланади.

VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбордor тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,4% миқдорда жарима тўлайди:

6.2 Тўловни кечиктирилганлиги учун "Буюртмачи" "Бажарувчи"га хар бир кечиктирилган кун учун, тўловни кечиктирилган қийматининг 0,4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50%дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофик белгиланади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар уртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти булмаган тақдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1 Томонларнинг хошиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-хаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий оғатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган) лиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади

IX.БОШКА ШАРТЛАР.

9.1.Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат хужалик судининг карорига биноан бекор қилининиши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганлиги хакида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.

9.3. Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кушимчалар ёзма равища бажарилган ва твклифларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.

9.4 .Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларига бир нусхадан берилади.

9.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

" Мироншох комфорт сервис " МЧЖ
Юридик манзилгоҳ: Тошкент шаҳар
ТЕЛ: 94-086-77-33
Хлр 20208000805007174001
Банк номи: Халқ банки Сергили фил.
ХККМ
ИНН 207164728
Банк коди(МФО) 00826

Рахбар в.в.б. Ж.Муминов

Хатирчи тумани Мактабгача таълим бўлими
Юридик манзилгоҳ: Дехқонобод МФЙ
ТЕЛ: 79-545-51-60
ШХ/Р 100022860122517091100251014
Банк номи Тошкент Марказий банк

ИНН 305150546
Банк коди(МФО) 00014

Рахбар А.Тошев

